

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси

406-гуруҳ талабаси Юлдашева Гулмира

**“Замонавий инглиз тилини ўқитиш
жараёнида нутқ маданиятини таркиб
топтириш ва нутқ этикетларини танлаш
масалалари”**

5141400 – хорижий тиллар ва адабиёти
(инглиз тили ва адабиёти) таълими йўналиши бўйича
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш раҳбари: ф.ф.н. доц. М. А. Абдувалиев

Андижон – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3- 14	
Биринчи боб. Нутқий мулоқот маданияти ва унинг таркибий қисмлари		
1.1. Нутқий мулоқот ва унга қўйиладиган талаблар	15-23	
1.2. Инглиз тилининг функционал услублари ва уларга хос жиҳатлар.....	24-33	
Иккинчи боб. Инглиз тилида расмий ва норасмий услубларнинг стилистик ва лингвистик хусусиятлари		
2.1. Стилистик бўёқдор тил элементлари хусусида.....	34-38	
2.2. Мулоқот мантиқийлиги ва нутқ этикетларини танлаш.....	39-42	
Учинчи боб. Инглиз тилида турли нутқ вазиятларига мос нутқ маданиятини шакллантириш юзасидан услубий тавсиялар ва машқлар тизими		43-74
Хулоса	75-78	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	79-80	

КИРИШ

“Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши керак”

И. А. Каримов

2013 йилнинг 1-сентябрь куни Ўзбекистон Республикасини мустақиллиги эълон қилинган тарихий сана сифатида умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Ўзбекистон Республикаси навқирон 22 ёшга тўлади.

Ўтган давр мобайнида юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Осмонўпар бинолардан тортиб хашаматли саройлар, дунё стандартлари даражасидаги таълим муассасалари, турар жой бинолари қурилди. Юртимиз гўзал, гуллар диёрига айланди.

Ўтган давр мобайнида Андижон вилоятининг ўзида 117та касб-хунар коллежлари, 12та академик лицейлар учун барча қулайликларга эга, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган бинолар, ўқувчилар турар жойлари қурилди ва фойдаланишга топширилди. Ана шу таълим муассасаларида халқимиз, Президентимиз фарзандлари муносиб равишда таълим-тарбия олмоқдалар.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида улкан ислохотлар ўтказилмоқда. Бу ислохотлар муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда ва ўз мевасини бермоқда. Бу ислохотларнинг, давлатимиз ва ҳукуматимизнинг мақсади Ўзбекистон фуқаролари манфаатларига хизмат қилиш ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Шу боис халқимиз, келажаги буюк давлат таянчи бўлмиш ёшлар ушбу ислохотларда фаол қатнашмоқдалар, ватанпарварлик бурчларини сидқидилдан амалда намоён этмоқдалар. [1, 24]

Буюк келажакимиз, Ватан равнақи бугун мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари парталарида ўтириб таълим ва тарбия олаётган ёшлар қўлида экан таълим ва тарбия масалалари Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигидаги ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Узлуксиз таълим масалалари давлат аҳамиятига молик масалалар қаторида эътиборда бўлиб келмоқда.

Биз ёшлар учун муносиб яшаш, ўқиш ва иқтидор ва истеъдодларимизни тўла намоён этиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиб берилмоқда. Баркамол авлод таълим-тарбияси ва маънавияти масалалари Ислом Абдуғаниевич томонидан диққат-эътиборда бўлиб келмоқда.

Бу эътибор мустақилликнинг биринчи кунларида бошланган бўлса-да, унинг ҳақиқий қонуний дастури 1997 йил 29-августда Олий Мажлиснинг 1-чақириқ 9-сессиясида қабул қилинди. Ушбу куни Президентимиз тарихий нутқ сўзлади. Ўз нутқида И. А. Каримов таълим тизимидаги “собиқ иттифоқ” давридан мерос қолган камчиликлар, ўқитувчи, мураббий шахсига қўйиладиган талаблар, таълим тизими олдида турган долзарб вазифаларни кўрсатиб берди, таҳлил қилиб бердик. Машғулотларда ўқитувчи яқка ҳукмронлиги каби салбий жиҳатлардан воз кечиш, ёшларни мустақил, эркин ва ижодий фикрлашга ўргатиш энг муҳим масала эканлигини таъкидлаб ўтди.

Узлуксиз таълим тизимининг ўзбек моделини ҳаётга татбиқ этиш, таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш, бунда устоз-шогирд муносабатларини йўлга қўйиш, таълимнинг моддий-техника базасини мунтазам ривожлантириб бориш борасида қимматли таклиф мулоҳазаларини билдирди. Ўқувчининг энг яхши дўсти бўлган дарслик ва қўлланмалар мазмун-моҳияти, сифатига эътибор қаратиш, улар мустақиллик мафкураси билан суғорилган бўлиш кераклигига ҳам алоҳида эътибор беришга чақирди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шу кунда муваффақиятли амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги қонун” қабул қилинди. Уларнинг қанчалик ҳаётийлиги ва самарасини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди, 2004-2009 йилларда “Мактаб таълимини ривожлантириш миллий дастури” амалга оширилди. Компьютер саводхонлиги ва чет тилларидан бир ёки бир нечтасини пухта эгаллаш масалаларига эътибор кучайтирилди. Дарс жараёнларига ўқитишнинг техник воситаларини кенг татбиқ этиш таъминланмоқда. Ислом Абдуғаниевич Каримов бунинг аҳамиятини Самарқанд вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида яна бир қарра таъкидлади. Шу боис ҳозирги кунда олий таълим муассасаларининг барча курсларида инглиз тили ва компьютер саводхонлиги бўйича факультатив (ҳафтасига 2 соатлик) машғулотлар ўтилмоқда. Ёшлар марказлари ва таълим муассасалари қошида чет тиллари ва компьютер саводхонлигига ўргатувчи курслар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўрни ва салоҳиятига эга бўлган ва ривожланган давлатлар қаторига қўшилиб бораётган шу кунда хорижий тилларни, хусусан инглиз тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. И. А.

Каримов Самарқанд вилоятидаги нутқида “Ҳар бир шахсни бирон-бир хорижий тилни билиши давр талаби. Келажак авлодни маънавий камолотини хорижий тилсиз тасаввур қилиб бўлмайди” деган хулосаси аҳамиятлидир.

Ҳозирги кунга келиб ҳеч қайси бир халқ, ҳеч қайси бир мамлакат бошқа халқ ва мамлакатлар билан ҳамкорликсиз тараққий этиши ва ривожланиши мумкин бўлмай қолди. Чунки инсоният фан ва техника соҳаларида эришган ютуқлардан доимий равишда бохабар бўлиб бориш, уларни жамият ҳаётига тадбиқ этиш, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлиш тараққиётнинг энг муҳим шартларидан бўлиб қолди. [4,29]

Ҳар қандай ҳамкорлик ёзма ва оғзаки мулоқотлар, музокаралар орқали пайдо бўлади ва амалга ошади. Бунда мулоқот воситасини тил бажаради. Яъни тил халқлар ўртасида ҳамкорлик кўприги вазифасини ўтайди. Президентимиз И. А. Каримовнинг чет тилларини ўрганишга дават этаётгани ҳам мана шунда деб ўйлаймиз.

Биз дунёни илми, билими, кашфиётлари ва юксак маънавияти билан забт этган боболар набираларимиз. Биз Мотурудий, Нақшбанд, Ал-Бухорий, Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Бобур каби донишманд олимлар, ёзувчилар ва маърифатчилар фарзандларимиз. Биз улар меросини дунёга кўз-кўз қилиш баробарида, уларни асраб-авайлаймиз, тарғиб этамиз ва энг муҳими, улар қолдирган беқиёс илмий ва адабий меросни ривожлантирамыз, ардоқлаймиз.

Билимли, юксак маънавиятли, соғлом ва бақувват ёшлар Ўзбекистонимиз келажаги. Бундай авлодни тарбиялаб етиштириш эса ўқитувчи ва мураббийлар зиммасида. Бу шарафли ва масъулиятли вазифа. Бунинг масъулиятли томони шундаки, устозлар ёшларни юксак маънавиятли, комил инсонлар этиб тарбиялашдан ташқари, уларни дунёвий билимлар билан қуроллантиради, уларни ҳаётга тайёрлайди. [2,18] Демак, Ватан келажаги, унинг равнақи ўқитувчи-устозлар бераётган билимлар миқёси, мазмун-моҳияти ва ҳаётийлигига боғлиқ экан, шу кун талабларидан келиб чиқиб, уларда замонавий янги билим ва малакаларни шакллантиришимиз керак экан. Биламизки, давлатимиз сиёсати ёшларни маънан ва жисмонан бақувват қилиш, иродасини мустаҳкамлашдан иборат. Чунки спорт билан шуғулланган инсон, жисмонан бақувват ва иродали бўлади, иродали инсон ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир бўлади, ҳар қандай вазифани тез ва соз бажаради. Шуни назарда тутган ҳолда мамлакатимизда ёшлар ўртасида уч босқичли спорт ўйинлари (Умид Нихоллари, Баркамол авлод, Универсиада) ўтказилиб келинмоқда. Ҳозирда мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари ўқувчилари,

талабалари орасидан юзлаб жаҳон, Осиё чемпионлари етишиб чиққанлиги барчамизда фахр уйғотади.

Ёшлар иқтидори ва истеъдодини спорт, санъат, таълим каби соҳаларда тўла намоён этишлари учун “Меҳр нури”, “Фонд Форум” жамғармалари, “Ниҳол”, “Зулфия” номидаги мукофотлари таъсис этилган бўлиб, ижодкор, билимли ва бақувват ёшлар ўзларини ўша танловларда намоён этмоқдалар.

Ватан қуролли кучлари сафида наъмунали хизмат қилиб, олий таълим муассасаларига тавсия олган йигитларга кириш синовлари натижаларига қўшимча равишда 56 балдан кўшилиши ҳам ёшлар учун яратилаётган шароитларнинг бир мисолидир.

Баркамол авлод ва комил шахс тарбиясида хорижий тилларнинг аҳамияти шубҳасиз. Хорижий тилларнинг бир ёки бир нечтасини эгаллаган ёшлар, ўша мамлакат(лар) тили, халқи тарихи, урф-одатлари, ҳаёт тарзи, буюк шахслари кабилар ҳақида билимларга эга бўлади, уларни китоб (илмий ва бадиий) ўқиш ёки бевосита мулоқотга киришиш орқали эгаллайди. Дунёқарашни кенгайтирилади. Мутахассис сифатида, касб эгаси сифатида ҳамкор шерикларига соҳасидаги янгиликларни, инновацион ғояларни тушунтиради ёки аксинча улардан билиб олади.

Мамлакатимизда ва чет элларда ҳар йили юзлаб халқаро анжуман ва форумлар, дипломатик учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Улар фаолиятида бевосита халқаро тиллар, шу жумладан инглиз тили ҳам, таржима тили сифатида ишлатилмоқда. Иқтисодий инқироз, табиий офатлар, атмосферани иссиштириш, денгизларни қуриштириш, шифосиз касалликлар каби долзарб муаммолар бир мамлакат ёки халқ муаммоси эмас, балки бутун дунё муаммоси бўлиб қолмоқда. Бундай офат ва муаммолар инсоният муаммосига айланиб қолди. Бу муаммоларни бир ёқадан бош чиқариб ҳал этиш, илм, билим ва тажрибаларни ўртоқлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу алоқа, ҳамкорлик тилига эҳтиёжни туғдирмоқда. Айнан чет тиллари (инглиз тили ҳам)ни билиш орқали самарали ҳамкорлик ўрнатилмоқда, муаммолар ҳамкорликда ечилмоқда. Ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда чет тилларини ўқитиш сифатини янада кўтариш талаб этилмоқда. [3,1] Таълим узлуксизлиги ва узийлиги масалалари, ўқитишнинг тезкор, осон ва самарали йўллари ишлаб чиқилмоқда ва таъминланмоқда.

Чет тиллар таълими самарадорлигига эришишида қуйидагилар муҳим роль ўйнайди:

- ўқитувчининг касбий билимлари ва педагогик маҳорати;
- ўқитишнинг янги ва илғор педагогик технологиялари;

- янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари;
- чет тилларини ўқитиш учун яратилган шарт-шароитлар (моддий-техник база, тил муҳити кабилар)
- тил ўрганувчиларнинг қизиқишлари. [7, 41]

Бизнингча, чет тиллари ўқитувчилари фаолиятлари асосида тил ўрганувчиларнинг оғзаки, ёзма нутқларини шакллантириш асосида тилга хос минимум қоидалар (фонетик, грамматик, лексик), минимум сўз бойлиги, уларни тўғри қўллаш малакаларини таркиб топтириш ётади. Бу педагогик мулоқот орқали амалга оширилади. Педагогик мулоқот дарс ва ундан кейинги тадбир ва машғулотларда амалга ошади. Биз уларнинг монологик, диалогик ва полилогик шаклларини фарқлаймиз. Монологик шакли (ўқитувчининг фаолияти ҳукмрон) анъанавий, қолган икки шакли эса ноанъанавий ҳисобланади. Диалогик ва полилогик мулоқот чет тилларини ўқитишда ва ўрганишда энг самарали мулоқот шакллари ҳисобланади. Машғулотларни лойиҳалаштиришда ана шуларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Лекин у ёки бу машғулот хусусияти ва унинг босқичлари мақсадларидан келиб чиқиб, ўз ўрнида ҳар уччала мулоқот шаклларида мулоқот элементи сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Узлуксиз таълимнинг барча босқичларида, ихтисослиги чет тили бўлган олий таълим муассасаларидан ташқари чет (инглиз, немис, француз ва ҳоказо) тили фани ўқитилади. Биз фан номини инглиз тили ва адабиёти деб аташни тавсия этган бўлар эдик, чунки тил ва адабиёт бир-биридан ажратиб бўлмайдиган “иттифоқни” ташкил этади.

Инсон тили унинг эгаси бўлган халқнинг ижод маҳсули. Тил асрлар мобайнида халқ объектив борлиқ ҳақида эгаллаган билимларини, тажрибаларини жамлайди, умумлаштиради. Тил нутқнинг бўлишига, туғилишига сабаб бўлиши билан чекланмасдан, балки уни тубдан ўзгартириб юборади. Тил ва нутқ профессор М. Умархўжаев сўзлари билан айтганда, “бир-бирлари билан боғлиқдир. Буларни вароқнинг икки бети деб қаралса ҳам бўлаверади”. [8, 41] Тил нутқнинг тушунарли ва эффектив бўлиши учун зарур бўлса, нутқ эса ўз навбатида тилнинг шаклланиши учун керак.

Нутқ фаолиятдан иборат бўлиб, бу фаолият тил ёрдамида, яъни алоқа воситаларининг муайян системаси билан амалга оширилади.

Нутқ такрорланмас бўлиб, индивидуал хусусиятга эга. Нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларида у диалог, монолог, полилог, матн, китоб формаларида учрайди. Демак, тил доимо нутқда яшайди, нутқ эса тилнинг конкрет намоён бўлишидир. Нутқ материал кўринишига эга бўлади, сезги органлари орқали ҳис этилади, эшитилади, кўрилади.

Нуткни пайдо бўлиш нуткий вазиятга боғлиқ бўлади, тил эса ҳеч қандай вазиятга боғлиқ бўлмаган нуткнинг абстракт аналогидир. Бошқача айтганда, нутқ – шахс маҳсули бўлиб, у шахснинг психологик ҳолатига, коммуникатив мақсадига ва тингловчи (суҳбатдош)нинг муносабатига қараб белгиланади. Шунга қараб инсон нутқи эмоционал ёки ноэмоционал, тезкор ёки секин бўлиш мумкин. Ҳалқ орасида “Тил – маданият кўзгуси” деган нақл бор. Ҳақиқатда ҳам тил у ёки бу халқ адабиёти, илм-фани, маънавияти, одоби, салоҳиятини ўзида акс эттиради ва намоён этади. Дарҳақиқат, ҳар қандай тилда фонологик сатҳ, морфемик сатҳ, лексик сатҳ, морфологик сатҳ, синтактик сатҳ, суперсинтактик сатҳ мавжуд бўлади. [6, 9] Тил тизим сифатида лексик, грамматик ва фонетик тил сатҳлари бирликлари билан иш кўради. Нутқ эса алоҳида олинган шахсга тегишли бўлгани учун нутқ у ёки бу жамият аъзосининг салоҳияти, билими, ижтимоий мавқеи, одоби-ахлоқи ҳақидаги таассуротларни бериш мумкин. Демак, ҳар қандай тил каби нутқ ҳам маданият кўзгуси экан. Нутқ ҳам тил ифода бирликларининг конкрет нуткий вазиятларида намоён бўлиш, воқелашуви билан иш кўради. Шу нуқтаи назардан тил ва нутқ бирликларини ўрганувчи икки соҳани фарқлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Тил стилистикаси
2. Нутқ стилистикаси

Тил стилистикаси тилдаги мавжуд бирликларнинг турли функционал стилларда воқелашуви баробарида уларнинг ифодалилик, таъсирчанлик жиҳатларини ҳам ўрганади, тадқиқ этади. [25, 42]

Нутқ стилистикаси нутқ бирликларининг нафақат адабий тил нормалари доирасида, балки уларнинг ўрнатилган тил нормаларидан четлаш ёки чегараланиш ҳолатларини аниқ матнлар, вазиятлар мисолида ўрганади.

Чет тиллар ўқитиш амалиётида юқоридагиларга эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Чет тилларини ўқитиш тил бирликлари, улар ўртасида кечадиган алоқа ва муносабатларни ўргатишдан ташқари конкрет ва турли нуткий вазиятларда уларни тўғри ва ўз ўрнида қўллаш вазифасини ҳам ўз зиммасига олади. Ҳар бир тил ўз луғат бойлигига эга бўлади. Луғат бойлиги таркибига оддий сўзлашув, нейтрал, адабий тил услубларига хос ўзаро синоним, антоним сўзлар, сўз бирикмалари, синтактик конструкциялар кирадики, уларни хоҳлаган нуткий вазиятда ишлатиб бўлмайди ёки ишлатганда ҳам коммуникатив мақсад, нутқ таъсирчанлигига путур этади.

Тилнинг луғат таркибига кирувчи слэнг, жаргон, касб-хунарга оид, архаик, вулгар сўзлар ва бошқа бирликлар борки, уларни мулоқотнинг ҳар қандай кўринишида қўллаб бўлмайди. Уларни қўлланилиши чегараланган сўзлар деб атаймиз.

Масалан, Қ. Мусаев ўзининг “English Stylistics” китобида қуйидаги мисолларни келтиради:

Colloquial	Neutral	Literary
1. Kid	Child	Infant
2. Daddy	Father	Parent
3. Chap	Fellow	Associate
4. Teenager	Boy (girl)	Youth (maiden)

[21, 21-23]

Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, ҳар бир қатордаги сўзлар ўзаро синоним бўлсаларда, улар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Ёки инглиз тилида “ўлмоқ” феълининг бир нечта синонимлари мавжуд:

to die, to join the majority, to kick the bucket, to be no more, to be gone ва бошқалар. “To die”ни турли нутқий вазиятларда қўллаш мумкин бўлгани ҳолда (нейтрал), колганларини ҳар қандай ўхшаш вазиятларда қўллаб бўлмайди.[25, 45]

Ёки инглиз тилида “**albeit**” (-са, -син) тўсиқсизлик боғловчиси бўлиб, у архаик ҳисобланади. Бу боғловчи ҳозирда истеъмолдан чиққан ҳисобланса-да, луғатлар таркибига киритилган. У асосан ўрта асрлар шеърий асарларида учрайди. Ҳозирда тўсиқсизлик боғловчиларининг бир неча (**though, although, even if, even though, despite the fact that, in spite of the fact that, инверсия + as, no matter what (who, where)**) турлари мавжуд бўлиб, улар орасида **though** нейтрал ҳолда қўлланилади, **although** эса кўпроқ илмий адабиётларда қўлланади. **Even if (though), инверсия + as, no matter who (what)** стилистик бўёқдор боғловчилар ҳисобланса, **though** нейтралдир. [20,59]

Тадқиқотнинг долзарблиги қуйидагиларда кўринади:

- мавзу алоҳида олинган изланиш мавзуси сифатида ўрганилмаганлиги;
- чет (инглиз) тили ички қонуниятлари ҳақидаги билимларга эга бўлиб бориш баробарида тил ўрганувчиларда нутқ мулоқоти, маданияти кўникмаларини шакллантириб бориш юзасидаги эҳтиёж ва замонавий талабларни ортганлиги;
- турли расмий ва норасмий мулоқот вазиятларида тил бирликларини тўғри, ўз ўрнида қўллашга ўргатиш бўйича амалий эҳтиёжларнинг пайдо бўлгани;

- дарс ва ундан ташқари тил ўрганиш жараёнларида, мавжуд замонавий дарслик ва ўқув адабиётларида нутқ маданиятини ўргатишга етарли эътибор қаратилмаётганлигида ва бошқалар.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси

Юқоридагилардан келиб чиқиб БМИда қуйидаги масалаларни ўрганиш мақсад қилиб қўйилади:

- нутқий мулоқот маданияти ва унинг таркибий қисмларини ўрганиш;
- расмий ва норасмий мулоқот шакллариغا хос жиҳатлар, уларга қўйиладиган талабларни ўрганиш;
- тилнинг ифода воситаларини нутқ жараёнида тўғри ва ўз ўрнида қўллашга ўргатиш бўйича машқлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- нутқий мулоқот жараёнида қўлланилиши чегараланган тил бирликлари ҳақидаги зарур билимларни ўқувчиларга бериш;
- тилнинг турли стилларда қўлланадиган бирликлар минимумини аниқлаш;
- тил ўрганувчиларнинг инглизча нутқини ранг-баранг, таъсирчанлигини ошириш ва ҳоказолар.

БМИда қўлланилган тадқиқот усуллари. Юқоридаги мақсад ва вазифаларни ҳал этишда чоғиштирма, трансформацион, компонент таҳлил, матн таҳлили, статистик таҳлил каби тадқиқот усуллариغا таянган ҳолда иш кўрилди.

Фактик материаллар. Тадқиқот мавзуси бўйича олиб борилган изланишлар чоғида инглиз ва америка ёзувчилари асарларидан, изоҳли ва кўп тиллик луғатлар ва соҳа тилшунос олимлари қаламига мансуб илмий-услубий рисоалардан олинган мисоллардан фойдаланилди. Информантлар кўмаги ва ижодий яратилган тил материалларидан ҳам фойдаланилди.

БМИнинг илмий янгилиги. Илмий ва ижодий изланишлар натижасида эришилган илмий янгиликлар қуйидагиларни ташкил этади:

- тил ва нутқ стилистикасининг ўзига хос томонлари, мақсад ва вазифалари, аҳамияти аниқланди;
- нутқий мулоқот маданияти таркибий қисмлари аниқланди ва тавсифланди;
- инглиз тилидаги мавжуд тил бирликларининг нутқда намоён бўлиш имкониятлари даражаси аниқланди;
- мулоқот бирликларини турли нутқий вазиятларда тўғри ва ўз ўрнида қўллашга ўргатувчи машқлар тизими ишлаб чиқилди;

- турли нутқий шароитларда тил бирликларини тўғри ва самарали ўргатиш бўйича умумий тавсиялар ишлаб чиқилди.

БМИнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижасида эришилган назарий хулосалардан инглиз тили ўқитиш методикаси, инглиз тили лексикологияси, инглиз тили стилистикаси, таржима назарияси ва амалиёти фанлари маъруза ва семинар машғулотларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, изланишлар натижасида олинган натижа, услубий тавсия ва машқлар тизимида “инглиз тили” фанини турли босқичларда ўқитиш жараёнида “изчил ва синхрон” таржима фаолиятига ўргатиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Юқоридагилар инглиз тилидаги нутқни тўғри ташкил этишда, мулоқотни самарали бўлишида аҳамият касб этади. Шунингдек, БМИ материалларидан замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар, кўп тиллик луғатлар яратиш фаолиятида ҳам ижодий фойдаланиш мумкин.

БМИнинг режаланиши ва синалиши. Мавзу инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг 2012 йил 27-августдаги №1-сонли йиғилишида муҳокама этилган ва тасдиқланган. Мавзу бўйича яратилган услубий тавсиялар ва мулоқот маданиятига йўналтирилган машқлар педагогик амалиёт чоғида синовдан ўтказилди.

БМИнинг ҳажми ва тузилиши. Иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган назарий, услубий, оммабоп адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 79 саҳифани ташкил этди.

1. БОБ. НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

1.1. Нутқий мулоқот ва унга қўйиладиган талаблар

Инсонлар жамиятида нутқнинг оғзаки ва ёзма шакллари фарқланади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам мақсад, вазифалари ва ўзига хос жиҳатларига кўра бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Оғзаки нутқ, фаолият сифатида мураккаб психо-физиологик жараён бўлиб, унинг асосини бош мия қобиғи биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро алоқаси ташкил этади.

Оғзаки нутқ монолог, диалог ва полилог шаклларида намоён бўлиб, у конкрет ҳаётий вазиятларда юз беради ва бу шароитлар нутқ хусусиятига таъсир этади. Бу вазиятлар тилдан ташқари, экстралингвистик омиллар қаторига киради. Аниқроқ қилиб айтганда бундай омиллар қаторига нутқ фаолияти содир бўладиган нутқий вазият, муҳит, сўзловчининг ёши, билим даражаси, ҳаётий тажрибаси, суҳбат темаси, суҳбатдошнинг нутқни идрок эта олиш имкониятлари, имо-ишора, мимика кабилар киради. Оғзаки нутқда сўзловчининг воқеликка муносабатлари, ички кечинмалари, ҳис-ҳаяжони кабилар ифода этилгани боис, нутқда турли ундалма, кириш ва ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўзлар мавжуд бўлади.

Оғзаки нутқ ифода ихчамлиги билан ёзма нутқдан фарқланади. Шу боис оғзаки диалогик нутқда ифода воситаларининг ихчам талаффуз этилиш, тил бирликларининг нутқ вазияти учун зарур бўлган қисмларини тушиб қолиш (эллипсис) ҳолатлари кўп учрайди.

Won't you come in for a minute? You've never seen my rooms. I don't want to get you into trouble. I'll come in for a little. (23, 146), "Are you a grandfather?" I asked. "Three times over; he laughed; we don't 'ave fires after April" (23, 172), Will you do something very kind? If I can (23, 162), Aren't you happy when you're with me? Awfully (23, 155).

Оғзаки нутқдаги бирликлар ўзига хос оҳангга эга бўлишлари билан ҳам ёзма нутқ бирликларидан фарқ қиладилар. Маълум шарт-шароитларда руҳий кечинма, кайфият ва ҳолатлар турли интонациялар билан, ўзига хос эмфатик конструкциялар билан берилади.

What a thing! Expression! (14, 50), Good God! Forsyte? Why - that's my name too. Really! My name's Tolyon, sir. Ton, for short. Oh! Ah! said Soanes (14, 58)

Ёзма нутқда фикрлар изчиллиги, кетма-кетлиги, навбати, мантикий давомийлиги кузатилса, оғзаки (диалогик) нутқда фикр ва мавзу эркинлиги кузатилади. Суҳбат чоғида мавзу бир неча маротабага ўзгариши, мавзудаги чекиниш ва яна унга қайтиш, кутилмаган

фикр, саволлар кўп учрайди. Бу нутқ тури тайёрланилмаган нутқ турига киради. Шу боис тил ўрганувчиларни турли нутқий вазиятлар шароитида мулоқот юрита олишга, вазиятга қараб мос сўз, ибора, жумлаларни тўғри ишлата олишга ўргатиш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Чет тилларини ўқитишни оптималлаштириш орқали нутқ самарадорлигига эришиш ҳам долзарб ҳисобланади. Шу боис, нутқ маданияти деб аталмиш атама бекорга пайдо бўлган эмас. Бор билим ва тажрибаларни ишга солган ҳолда чет тилларини чуқурлаштириб ўқитиш орқали нутқ маданиятига эришиш мақсадли амалиётларнинг таркибий қисми бўлмоғи лозим. Чунки инсон бир хил фикрни турлича ифода этиши мумкин. Унга кўра нутқ ғализ, кўпол, ёқимли, ёқимсиз бўлиш мумкин. Шу боис, тил ўрганувчилар мулоқотини одоб-ахлоқ маданият нормалари даражасида ташкил этишимиз, сингдириб боришимиз керак бўлади. Акс ҳолда суҳбатдош танг аҳволга тушиб қолади, мулоқот жараёни бузилади.

Чет тиллар ўқитиш амалиётида мулоқот кўникмаларини шакллантириш асосий мақсад ҳисобланади. Шунинг учун тил ўрганаётган шахс халққа (суҳбатдошларига) манзур жумла ва фикрларни ярата ва қўллай олиш унинг мулоқот жараёнига муносиблиги (коммуникатив компетенция)га кўпдан боғлиқ. Коммуникатив компетенция самарали мулоқот учун зарур ҳисобланади. Тил ўрганувчи тил ички қонуниятларига оид билимларни эгаллайди, уларни нутқда қўллаш кўникмаларини билиб олади. Қисқаси ўз нутқини шакллантириш, шакллантириганда ҳам тўғри ва ўз ўрнида тил унсурларини қўллаш кўникмаларига эга бўлади, ўз нутқини назорат этади. Бу жараённи ўша тил эгаси бўлган халқ томонидан эътироф этилган мулоқот ва тил нормалари чегараларидан чиқмасдан амалга оширади.

Самарали мулоқот атамасини кўп тилга олдик. Самарали мулоқот, аслида сўзловчининг алоқа жараёнида суҳбатдошга ўтказадиган таъсири натижаси дегани. Сўзловчи суҳбатга киришар экан, суҳбатдошини у ёки бу фаолиятга чорлайди, у ёки бу фикрни сингдиради. Мулоқотдан кўзда тутилган прагматик мақсад амалга ошади. Илардо бунни қуйидагича изоҳлайди “Persuasion is a communicative process of altering the beliefs, attitudes, intensions, or behavior of another by the conscious or unconscious use of words and non-verbal messages” [16, 3]. У мулоқот жараёнида новербал (имо-ишора, мимика) воситаларнинг ролига ҳам эътибор қаратади. Биз уларни мулоқотнинг ёрдамчи воситалари деб атаймиз.

Режалаштирган прагматик натижасига эришиш учун сўзловчи/ёзувчи тилдаги мавжуд экспрессив-эмоционал ва мантиқий бирликларни руҳий механизмлар асосида таъсир ўтказиш борасидаги билимлари қаторида кўриб улардан фойдалана олишлари

зарур. Ҳозирги мавжуд илмий ва методик адабиётларда ўша билим ва қобилиятлар “риторик компетенция” [12, 88) ёки “нутқ маданияти” деб аталмоқда.

Нутқ мулоқоти жараёнида новербал факторларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Улар каторига кинесика (body language) ва проксемика (use of space)лар киради.

Самарали мулоқот учун мулоқот иштирокчиларининг салоҳияти (билим, тажриба, маҳорати) ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки мулоқот иштирокчиси коммуникатив мақсадга эришиш учун тафаккур, фикрлаш маданиятига ҳам эга бўлиши керак. Аниқ нутқий вазиятларда илми қонуниятлари даражасида тўғри фикрлай олиши, тўғри қарор ва жумлалар айтиши керак бўлади.

Юқоридагилар асосида нутқий мулоқот маданиятига қуйидагича таснифни берамиз: Сўзловчи томонидан кутилган прагматик натижага эришиш учун тилнинг ифода воситаларидан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланган ҳолда суҳбатдошига таъсир ўтказишнинг психологик томонларини ҳисобга олиб, тил эгаси бўлмиш халқ томонидан эътироф этилган нормалари доирасида мулоқот юрита олиш қобилиятига нутқий мулоқот маданияти деб аталади.

Нутқий мулоқот маданияти тил ҳамда коммуникатив ва нотиклик салоҳиятига эга бўлишни талаб этади. Ҳақиқатда ҳам, ҳар қандай мулоқот иштирокчиси нотиклик санъатини яхши эгаллаган бўлиши керак. Шу боис АҚШ таълим муассасалари ўқув режалари таркибига риторика ўқитилиши зарур бўлган фан сифатида киритилган. [19,112]

Демак, нутқ маданияти кўп қиррали ҳодиса экан. Мулоқот маданиятига тўлақонли эришиш учун қуйидагилар мавжуд бўлиши зарур:

- 1) Тафаккур (фикрлаш) маданияти;
- 2) Тил ва олам ҳақидаги билимлар 1) тил ҳақидаги билимлар: а) тилни билиш; б) нутқий мулоқот тамоилларини билиш; 2) тилдан ташқари билимлар: а) вазият ва суҳбатдош ҳақидаги билимлар; б) психологик таъсир бўйича билимлар;
- 3) Жумлани мантиқан тўғри, ифодали, бўёқдор таъсир воситаси сифатида қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўлиш. Новербал воситаларни мавжуд нормалар, қоидалар доирасида ифодали тарзда фойдаланиш қобилияти ҳам шу сатҳга киради;
- 4) Сўзловчи мулоқотни режалаштириш қобилияти ва уни самарадорлиги даражасида бошқариш сифатларига эга бўлиши керак.

Нутқнинг тўғри шакллантириш ҳақида гап кетганда нутқ вазияти боп сўз, ибора ва жумлаларни қўллаш, жумла таркибидаги сўзлараро муносабатларни ифода этувчи бирликларнинг грамматик шаклларини тўғри танлаш, гапнинг оҳангини коммуникати

мақсад талабларидан келиб чиққан ҳолда, унга мос равишда танлаш кабилар назарда тутилади.

Айрим олимлар буни “correct/incorrect English” бошқалари “doctrine of rules” деб атайдилар [15, 78] Гап таркибидаги бўлақлар орасида мослашув, у ёки бу жойлашув ўрнига кўра у ёки бу грамматик шаклни қўллаш бўйича қоидалар мавжуд. Нотиқ ана шуларга амал қилиши лозим. Масалан, everybody, everyone, anything, everything гумон олмошлари гап таркибида келиб, одатда феъл кесим билан учинчи шахсда мос келади:

Is there anything you want for him? [14, 85]

Everybody speaks English here.

Ёки бўлмасам, It кишилик олмоши It is I ва It’s me тоифа гапларнинг ҳар иккаласида ҳам тўғри қўлланган, лекин It’s me норасмий сўзлашув нутқида хос (Leech, Svartvik, 1983).

Мураккаб тўлдирувчи ҳақида гап кетганда нотиқ қуйидагиларни билиши керак:

- to want, to decide, to expect феълларидан сўнг от ёки кишилик олмошларининг объект келишиги шакли ва феъл “to” юкламаси билан:

I want you to help with my homework.

They expected us to come early.

- to see, to feel, to notice, to hear феълларидан кейин от/олмош ва феъл “to” юкламасиз (ёки сифатдош I):

I saw him enter the room.

They heard Ozod sing a song (singing a song).

- to make somebody to do something (кимнидир бирон нарса қилишга мажбур қилмоқ) аниқлик нисбатда:

Mr. Brown made us clean the yard. Ушбу гапни мажхул нисбатга айлантирилганда “do”дан олдин “to” юкламасини қўйиш керак бўлади:

We were made to clean the yard by Mr. Brown. Кўриниб турибдики, инглиз тилини ўрганувчи тил ички қоидалари ҳақида батафсил билимларга эга бўлиш керак экан.

Кейинги йўналиш тарафдорлари (О. Есперсон, Г. Суит) нутқда қўлланган ҳар қандай тил формаларини тўғри деб ҳисоблайдилар. Хаттоки, ўзлари яратган грамматикалар ҳам нутқ жараёни таҳлили асосида яратилган. Шунинг учун ҳам улар ўз таълимотларини “doctrine of usage” деб атайдилар. Бунда асосан улар китобий услубга асосландилар. Бу таълимот чет тиллар ўқитиш жараёнига ҳам катта таъсир этди. Тўғри услубнинг пайдо бўлиш билан реал ишлатиладиган бирликлар тўғри ҳисобланадиган бўлди. Шундан келиб чиқиб, тилнинг асосий эгалари нутқда қўлланиладиган шаклларни

ўргатиш асосий услуб даражасига чиқарилди. Аудиолингвал методнинг шиорларидан бири “Инсонлар нима деса ўша тилдир, лекин нима дейишлиги кераклиги ҳақида ўйлагани эмас (Language is what people speak, not what some one thinks they ought to speak” [24, 39].

Тил нормаси деганда тил амалиёти жараёнида танлаб олинган ва мустаҳкамланган тил структураси элементларининг анъанавий тарзда воқелашуви тушунилади. Биз бу ерда фақат адабий тил нормаларини назарда тутмоқдамиз. Чунки тил нормалари унинг шева ва лаҳжаларида турлича белгиланади. Тилдаги мавжуд бирликларни ҳар қандай мулоқот шароитида ҳам қўллаб бўлмайди. Уларнинг айримлари нейтрал, айримлари маълум нутқий шароит учун яратилган бўлади. Шу нуқтаи назардан тил ва нутқ бирликлари кундалик, расмий, публицистик, бадиий каби тил услублари доирасида қўлланиладилар.

“Даражалар таълимоти” (doctrine of levels) пайдо бўлгач унинг асосчилари Крапп ва Леонард Нормани тилнинг турли сатҳларига жорий этишга ҳаракат қилиб кўрадилар. Улар инглиз тилининг лексик ва грамматик бирликларини тилни қўллаш бўйича сатҳлар миқёсида таснифлашга ҳаракат қилдилар. Масалан, Дж. Крэп беш даражани фарқлайди: китобий (literary), расмий (formal), сўзлашув (colloquial), умумий сўзлашув (general colloquial), кенг тарқалган (popular), оддий халқчил (vulgar). [20,107] С. Леонард эса уч даражани фарқлайди: китобий (literary), сўзлашув (colloquial), оддий халқчил (illiterate). Бундай таснифлар тил бирликларини маълум нутқий вазиятларда тўғрилиги/нотўғрилиги тамоилига асосланган.

Юқоридаги даражалар бўйича даражаларга ёмон, ўртача, яхши, энг яхши баҳолари берилган (bad, fair, good, better, best).

“Маданият” мезонига кўра Кеньон у икки даражани фарқлайди: адабий (standard) норма ва оддий сўзлашув (substandard) “Вазифаси” тамоилига кўра у икки услубни расмий (formal), норасмий (familiar) услубни фарқлайди. [19,54] М. Жус бундай услубларнинг бештасини фарқлайди (Goos, 1962) ва қуйидаги мисолларни келтиради:

Frozen style: Visitors should make their way at once to the upper floor by way of the staircase.

Formal style: Visitors should go upstairs at once.

Consultative style: Would you mind going upstairs right away, please?

Casual style: Time you all went upstairs now.

Intimate style: Up you go, chaps!

Бу даражалар тил бирликларининг тўғри/нотўғрилигига кўра фарқланмаган, балки конкрет нутқ вазиятига мослигига кўра фарқланган. Бу баъзан “тўғри қўлланиш

таълимоти” (doctrine of appropriateness) [15, 58] деб ҳам аталади. Унга кўра тўғри нутқ ҳар бир конкрет мулоқот вазиятига мос ҳолда тил бирликларини қўллаш сифатида тушунилади.

Тил нафақат мулоқот воситаси, балки маданиятли мулоқот воситаси ҳам экан. Бу вазифани адабиёт, илм-фан, матбуот, радио, театр тили бажаради. Чунки адабий тил ривожланган, ўта кучли фарқланган функционал-стилистик структурага эга бўлади. Функционал-стилистик система мулоқот шарт-шароитларига кўра бир хил мазмунни турлича ифодалайди. Бунга тилдаги синоним бирликларни мисол қилиб келтириш мумкин: to gaze, to stare, to look, to shudder, to tremble, to shiver etc.

Сўзловчи/ёзувчининг алоқа вазиятларига мос тил бирликларини танлаш қобилиятини баъзи олимлар стилистик компетенция деб атасалар, бошқалари коммуникатив компетенция деб атайдилар.

Лекин амалиётда аниқ нутқ фаолиятида адабий тил нормаларида чекиниш ҳолатлари ўқимишли, зиёли шахслар нутқида ҳам учрайди. Бу ҳол нутқни жонлаштириш, ифодалилиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадидан келиб чиқилганлиги нуқтаи назаридан изоҳланади.

Стил (услуб) атамаси тилдан турли тарзда фойдаланишни, бир хил мазмунни турли ифодалаш турларини англатади. Бу албатта тилдаги мавжуд синоним лексик ва грамматик бирликлар орқали амалга ошади. Мулоқот вазиятларининг хилма-хиллиги ва ижтимоий омилларнинг турли-туманлигига кўра тилни турли тоифаларга ажратиш мумкин. Биринчисини инглиз тилида “Varieties according to use”, иккинчисини “Varieties according to user” деб аталади. Тилни ижтимоий моҳиятидан келиб чиқиб табақалаш функционал стил деб аталади. Ҳозирда публицистик, иш юритиш, илмий, сўзлашув, бадиий стиллар фарқланади. (13, 250-312).

Бешта функционал услубни фарқлайди: бадиий адабиёт, публицистик, газета, илмий ва расмий ҳужжатлар услуби. Айнан шундай таснифи Қ. Мусаев ҳам беради. (21, 214-237)

Нутқ маданияти турли услубларни тўғри қўллашни кўзда тутаяди. Тил ўқитиш амалиётида тилни расмий ва норасмий тоифаларга бўлиш қулай ҳисобланади.

Мулоқот (сўзлашув) маданияти тафаккур маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. У мустақиллик, маҳсулдорлик, мантиқийлик нутқ билан чамбарчас боғланган бўлиб, у нутқда мантиқан тўғри жумлалар тузишни назарда тутаяди.

Мантиқий тафаккурнинг ривожини вербал алоқа (мулоқот)нинг умумий ва муҳим шартини ҳисобланади. (Апресян, 1972). Бунда сўзловчи нутқ жараёнида жумлалар шодасини

изчил равишда режалаштиради. Фикрни мантиқан ривожланишини таъминлайди. Нутқ предмети занжирини шакллантирар экан бу билан у нутқий хабар мазмунини ифодаловчи жумлаларнинг мантиқий изчиллигини, кетма-кетлигини таъминлайди. Нутқий хабар (мулоқот)нинг мазмуний бутунлиги мавзу ягоналигида намоён бўлади.

Мантиқий нутқ таркибий қисмларга эга. Улар аниқлик, қарама-қарши эмаслик, асослилик, исботлилиқ кабилардир. Айнан шулар нутқни ҳосил қилиш жараёнида мантиқ қонуниятларига амал қилишни талаб этади.

Кўп ҳолларда оғзаки ва ёзма нутқда учрайдиган хатоликлар мантиқ қонуниятларини бузилишига олиб келади. Айнанлик қонуниятига амал қилмаслик кулгили ҳолатларга олиб келади. Буни асосан ҳазил ва ҳангомаларда кузатиш мумкин: Масалан,

Teacher: What can you tell me about the great writers of the 19th century?

Pupil: They are all dead, sir.

Бир жумлани икки хил тушуниш ёки талқин этиш, суҳбатдошларнинг бир-бирларини тушунмай қолиши тилда омонимия ва кўп маънолилиқни мавжудлигидадир. Масалан,

I need a hand.

Менга қўл керак.

Менга ёрдамчи керак.

To shoot – отмоқ, фильмга олмоқ маъноларига эга. Ушбу маънолардан беҳабар суҳбатдош It's he who shot "Maugli" гапини нотўғри тушуниши мумкин. Аслида бу ерда фильмга олмоқ маъноси бор. ("Маугли"ни суръатга олган ўша).

Нутқда мавзу ва предметни тез алмашилиши ҳам мантиқий изчилликни бузилишига олиб келди. Тафаккур маданиятига эришишда дедуктив ва индуктив равишда хулоса чиқаришнинг аҳамияти катта.

Маълумки, индукция тафаккур фаолиятининг алоҳида шакли бўлиб, унда алоҳида олинган фактлар асосида умумий хулосалар чиқарилади.

Шундай қилиб, мантиқий фикрлаш, мантиқий тафаккурнинг бир томони бўлиб, инсонлар ўртасидаги маданий мулоқот жараёнида муҳим роль ўйнайди ва ўзаро бир-бирларини яхши тушунишларини таъминлайди.

1.2. Инглиз тилининг функционал услублари ва уларга хос жиҳатлар

Қ. Мусаев, И. Р. Гальперин ва бошқа аксарият тилшунослар функционал стил (услуб)нинг бешта турини фарқлайдилар. Одатга мулоқотнинг прагматик жиҳатига кўра

матн турларининг фаркланиши тилнинг функционал стиллари деб аталади. Стилистик воситалар (stylistic devices) ва ифода воситалари (expressive means) тил бирликлари орқали нутқни зарур тарзда мақсадли таъсирчанлигини таъминлаш учун хизмат қиладилар.

Функционал стиллар бирдан ортиқ ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Тил ижтимоий ва тарихий ходиса эканлиги боис, функционал стиллар ҳам тарихий категория ҳисобланади. Тил тараққиёти жараёнида улар ҳам ўзгариб турадилар. И. Р. Гальпериннинг фикрига кўра [13, 249] бадий стил 16-асрнинг иккинчи ярмида, газета стили публицистик стил асосида пайдо бўлди. Бундай ўзгаришларнинг етакчи омиллари қуйидагилар:

- стандарт инглиз тили нормаларини ўзгариши;
- ижтимоий шарт-шароитларни ўзгариши;
- илм-фандаги тараққиёт;
- маданий ҳаётдаги ривожланиш ва баҳслар.

Шу нуқтаи назардан инглиз тилида нутқий маданиятга эришиш учун, тил ўрганувчи аввалом бор инглиз тилининг функционал стиллари, улар орасидаги фарқли жиҳатлар ҳақидаги билимларга эга бўлиши зарур деб ўйлаймиз.

Инглиз тилидаги биринчи функционал тил (ФС) “The belles-lettres style” деб номланади. У учта таркибий тагстиллardan иборат:

1. Шеърят (поэзия) тили;
2. Бадий асарлар тили;
3. Драма тили.

Улар биргаликда бадий ФСга хос жиҳатларни ифода этадилар. Бошқа сўзлар билан айтганда, улар ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эгалар. Улар учун умумий жиҳатлар улар бажарадиган эстетик-когнитив вазифадир. Улар бадий асар ифода этган воқеа ходисанинг мазмун-моҳиятини ўқувчига қадамба-қадам очиб берадилар. Шунингдек, ўқувчи асарни ўқиб, ундан завқ олади, дунёқараши кенгаяди, ижобий фазилатларга эришиб боради, ўзига яраша дарс олади, хулоса чиқаради.

Илмий стилнинг асосий вазифаси исботлашдир. У инсон фаолиятининг бир тури сифатида нарса ва предметларнинг туб моҳиятини, илмий мушоҳада орқали очиб бериш, уларга хос қонуниятларни аниқлаш, бу орқали инсоният ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини ривожлантириш, олдиндан башорат қилиш ва бошқариб боришдир.

Бадий стилнинг асосий вазифаси бирон нарсани исбот этиш эмас, балки ҳаётдаги у ёки бу масала (муаммо) юзасидан асарда ёзувчи назарда тутган нуқтаи назарни тўғри тушуниш ва талқин этишга ўргатиш деб ўйлаймиз.

Бадий стил сўзларни маълум нутқий вазиятларда қўллаш, бунда сўзнинг бирдан ортиқ маъноларини воқелашуви имкониятларига эга. Бадий асар матнида турли сатҳ тил бирликлари учрайди ва улар стилистик бўёқдор ёки нейтрал бўлиши мумкин. Тил бирликлари муаллифнинг тили, услуби ҳақида хулоса чиқаришга ёрдам беради. Бадий асарларда (роман, ҳикоя, драма) сўзлашув нутқида хос сўз ва жумлалар кўп учрайди. Улар асар қаҳрамонининг ижтимоий мавқеи, дунёқараши, ҳаёт тарзи кабилар ҳақида хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Юқоридагилар илмий, расмий ва публицистик стилларга хослиги юқори даражада эмас.

Бадий стилда баён монологик тарзда ёки диалогик тарзда, аксарият ҳолларда иккаласининг қоришмаси сифатида кечади.

Шеърӣ услубга стилистик бўёқдор сўзлар, жумлалар хос. Бунда эллиптик гаплар, ажратилган конструкциялар, инверсия, боғловчисиз боғланиш (асиндетон) кабилар кўп учрайди.

Масалан, таникли шотланд шоири Роберт Бэрнс қаламига мансуб “My Heart’s in the Highlands” шеърӣда юқоридагиларни кузатишимиз мумкин: “The hills of the Highlands for ever I like” гапида инверсия мавжуд бўлиб, шоир ғайриоддий гап структураси орқали шеър ифодалилигини оширмоқчи бўлган. Аслида тил ички қоидаларига кўра у “I love the hills of Highlands for ever” шаклида бўлиши керак. Ёки “My heart’s in the Highlands a – chasing the deer” аслида бу гап “My heart’s a – chasing the deer in the Highlands” шаклида бўлиши мумкин.

Адибнинг “A Red, Red Rose” шеърӣда изоҳловчили бирикмалар, инверсия, эллипсис ҳодисалари кўп учрайди:

So deep in love am I. (I am in so deep love);

As fair art thou, my bonnie lass. (ундалма ва эллипсис) [11, 22]

Бадий стил тилнинг оғзаки ва ёзма шаклларида хос жиҳатларни ўзида мужассам этади. Унда ёзувчи (услуби) ва қаҳрамонлар нутқида хос икки мулоқот шаклини кузатиш мумкин: монолог ва диалог. Ёзувчи тили у яшаган давр адабий тил нормаларига жуда яқин бўлади. Роман ёки ҳикоя қаҳрамонининг нутқидаги хос сўз ва жумлалар уни инсон сифатида характерлаб келади.

Шундай бўлса-да, бадий услубда, бошқа услублардан фарқли ўлароқ, турли услуб элементларини учратиш мумкин. Масалан, Х. Ж. Уэлсинг фантастик асарларида илмий услуб, расмий услуб элементларини, Г. Ж. Голсуорсининг “The Man of Property” романида, С. Луиснинг “It can’t happen here” асарида газета услуби элементларини учратиш мумкин.

Публицистик услуб мустақил услуб сифатида 18-асрнинг ўрталарида пайдо бўлди. Бу услубни шаклланишида Жозеф Адисон ва Ричард Стиллернинг роли катта бўлган. Улар қатор оммабоп журналларни ташкил этишган ва уларда памфлет ва очеркларни нашр этиб боришган. Булар “Tattler” (1709), “The Spectator” (1711), “The Englishman” (1713)лардир.

Публицистик стил нотиклик тағ услубига эга. Радио ва телевидение ҳам публицистик стилнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Газета, илмий ва оммабоп журналларда чоп этиладиган ахлоқий, тарбиявий, адабий, фалсафий мавзудаги очерклар, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий мавзудаги мақолалар ҳам ўша услуб доирасига кирадлар. Ушбу услубнинг асосий мақсади, халқ оммаси фикрига таъсир ўтказиш, ўқувчи онгига муаллиф билдираётган фикр ва мулоҳазалар тўғри эканлигини сингдиришдан иборат. Шунингдек, улар инсон онгини зарарли ғоя ва қарашлардан ҳимоя қилади ва поклайди.

Бир томондан публицистика илмий услубга мос ва мантиқий синтактик структуралари, параграфларга бўлиш, жумлалар ўртасидаги боғланишлари билан жуда яқин туради. Ушбу услубда стилистик воситалар ҳам кўп учрайди.

Ораторлик (нотиклик) услуби тингловчилар билан бевосита мулоқот асосига курилади, унда турли мимика, имо-ишоралардан фойдаланади. Ушбу услубда тингловчиларга тўғридан-тўғри мурожаат жараёнида қўлланадиган сўз ва иборалар мавжуд. Масалан, ladies and gentlemen, honourable members, esteemed deputies ва иккинчи шахс олмоши “you” кабилар. Баъзи ҳолларда сўзлар грамматик шаклларнинг қисқартирилган шакллари (don't, won't, isn't, we'll, didn't, can't) ва сўзлашув нуткига хос сўзлар қўлланилади.

Бу услуб нутқ услубига ҳам хос. Бу услуб сиёсий, ижтимоий муаммолар, мурожаат, тўй, дафн маросими, юбилейларда қилинадиган нутқлар, суд хайъати раиси чиқишларига хосдир.

Нотиклик услубида риторик сўроқ гаплар, такрор, параллел конструкциялар, антитеза, климакс (маънони кучайиши) кабилар кўп учрайди. Масалан, Who doesn't know that the earth rotates round its' axis? The seeds you saw another reaps, the roles you weave another wears, He is not a bad man, love our country. We adore it.

Анафорик такрор(anaphoric repetition) жумла бошқа келади.

It is high time people of the world united their forces.

It is high time people of the world joined their actions. Такрорнинг яна бир кўриниши анадиплосисдир. I liked the book, the book of wisdom. That is not only your fault – fault of men and women.

Бир хил фаркни, бир хил синтактик бирликлар орқали беравериш ҳам тингловчиларни зериктириб қўяди, диққатини сусайтиради. Нутқларда шу боис кўпинча синоним бирликлар қўлланилади.

Масалан, ёзувчи ҳақида гап кетганда нотик Э. Хемингуэй, адиб, ёзувчи, муаллиф, романапис (the author, the writer, the novelist) каби синонимлардан фойдаланиш мумкин. Албатта, улар конкрет ҳолатда синоним сўзлардир.

Одатда нотиклар нутқлари боши ва охирида қўлланиладиган одатий сўз ва жумлалар билан иш кўрадилар. Айнан, ана шулар нутқ маданиятидан дарак бериб туради.

Нутқнинг осон-қийинлиги, мураккаблик даражасини тингловчилар салоҳияти ёки ижтимоий мавқеи кабиларга мос бўлгани мақбул деб ўйлаймиз. Шундай қилиб, инглиз тилида сўзга чиққан нотик нутқ бошида қуйидагиларни ишлатади: My Lords, Mr. President, Mr. Chairman, Your Worship, Ladies and Gentlemen, нутқ охирида эса: Thank you, Thank you very much dear friends, my friends, Mark you!, Mind! кўп учрайди.

Инглиз адабиётининг алоҳида шакли сифатида очерк 16-асрларга бориб пайдо бўлди. Очерк ўртача ҳажмдаги адабий асар бўлиб, у фалсафа, ижтимоий ҳаёт, нафосат ва адабиёт масалаларига бағишланган бўлади. Очеркка хос жиҳатлар:

1) ифоданинг ихчамлиги; 2) баён 1-шахс бирликда амалга оширилади; 3) боғловчи воситалар (and, though, however, besides) кўп қўлланади; 4) адабий сўзлар кўп қўлланади; 5) ўхшатиш, кўчиш каби стилистик воситалар қўлланади.

Замонавий эсселар асосан биографик хусусиятга эга бўлиб, шахслар, факт ва воқеалар ҳаётдан олинади.

Газета услуби адабий инглиз тилининг стилларидан бири бўлиб, у Англияда 17-асрда пайдо бўлди. Ҳозирги кун газеталари саҳифаларини кўздан кечирсак, уларда нафақат хабарлар, изоҳлар, мақолалар, реклама қаторлари, эълонлар, балки хикоя, шеърлар, кроссворд, топишмоқларни ҳам учратамиз. Газета стилининг асосий мақсади, ўқувчига маълумотлар ёки кўрсатмалар беришдир. Маълумотлар тўрт тоифа воситалар орқали берилади. Улар жумласига қисқа хабарлар, матбуот хабарлари (олий мажлис), мақолалар, эълон ва рекламалар.

Газета услуби сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳалар бўйича омманинг фикр-ўйларига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. У ёки бу масала бўйича нуқтаи назар, қарашлари, позициясини шакллантиради. Газета стили ўзига хос тил бирликлари ва атамаларига эга. Уларнинг аксарияти нейтрал сўзлардир. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) махсус сиёсий ва иқтисодий терминлар: constitution, president, General Assembly, per Capita production, ex-president, Rally, Congressman, a deputy, world economic crisis, bank system, negotiations.

2) сиёсий (терминга айланган) сўзлар: public, progressive, nation-wide, unity, peace, war, agreement, leader.

3) газетага оид сўзлар: vital, issue, danger of war, to escalate a war, storming applause, welfare stateю

4) қисқартма сўзлар (давлат органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, компания ва бошқалар номлари): UNO, UFO, TUC, FO, ACCELS, TOEFL, M and M.

Газета стили ҳаёт ва тилдаги ўзгаришларни тез ўзида акс эттириш хусусиятига эга эканлиги боис унда кўплаб янги сўзлар (неологизм)ни учратамиз: dushmans, barars, қисқа хабарлар ҳажми битта гапдан бир нечта гапгача бўлши мумкин. Шу боис қисқа хабарларда нисбатан мураккаб синтактик конструкциялар кўп қўлланилади. Шунингдек, инглизча қисқа хабарларда сифатдошли, инфинитивли ва герундийли конструкциялар, аниқловчи гуруҳлари учрайди. Гаплар таркибидаги сўз тартиби қуйидаги наъмунага асосланади: S + P + O + adv.modifier of (reason, manner) + adv.place + adv.time.

Лекин қисқа хабарларда ғайритабиий структурага эга гаплар ҳам кўп учрайди. Ҳол (асосан пайт ҳоли) эга ва кесим орасида келади:

Derec Heath, 43, yesterday left Falmouth for the third time in his attempt to cross the Atlantic ma 12 ft dinghy (Morning Star).

Илмий услубнинг вазифаси гипотезани исботлаш, янги бир тушунчани яратиш, жамият ва оламнинг ички қонуниятларини очиб беришдан иборат. Бу услубга жумлалар ўртасидаги мантиқий алоқа занжирининг мавжудлигидадир. Бундан ташқари илм-фан соҳасига хос атамаларни қўлланиши ҳам бу услубнинг муҳим жиҳатидир. Айнан шу услуб янги сўзларни кўп яратувчи услубдир. Илмий асарларда цитаталар ҳам кўп учрайди. Бу услуб стилистик бўёқдор, ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўзлардан холи бўлади, мажҳул конструкциялар кўп қўлланади: The acid was taken. (I took acid гапи ўрнида). Ёки Ten grams of aspirin were dissolved in a minimum volume of water. Бу каби конструкцияларда suppose, assume, presume, conclude, infer, point out каби феъллар, It should be pointed out, It must not be assumed, It must be emphasized, It can be inferred кабилар кўп учрайди.

Расмий ҳужжатлар услуби

Расмий ҳужжатлар услуби стандарт инглиз адабий тилининг таркибий қисми бўлиб, у тўртта таг услубдан иборат [13, 312-313]:

- бизнес ҳужжатлари таг услуби;

- конуний ҳужжатлари таг услуги;
- дипломатия таг услуги;
- харбий ҳужжатлар таг услуги.

Бу услубнинг асосий хусусияти шундаки у икки расмий томонлар (давлатлар, фуқаролар, жамият ва унинг аъзолари, корхона, ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар, ассамблея) ўртасида алоқалар, ҳамкорлик шартларини баён этиб беради. Бунда томонлар маълум фаолиятлар борасида келишувларга келадилар. Бу услуб ҳам ўзига хос сўз, атама ва конструкцияларга эга. Масалан, I beg to inform you, I beg to move, I record the motion, the above-mentioned, on behalf of, Dear Sir, We remain, your obedient servants.

Молия соҳасида эса extra revenue, tax, taxable capacities, liability to profit tax каби терминлар мавжуд.

Аббревиатуралар, шартли символлар ҳам ушбу услубда кўп қўлланади. Масалан, М.Р. (Member of Parliament), Gvt (government), \$ (dollar) £ (pound), Ltd (limited). Қисқартма сўзлар айниқса харбий ҳужжатларга хосдир: adv (advance), atk (attack), obj (object), А/Т (anti-tank). [17,2-5] Бу борада расмий хатлар ёзишнинг ҳам ўзига хос талаблари, шартлари бор. Бу ҳақидаги билимларга эга бўлиш, тажриба орттириш ҳам нутқ (ёзма) маданиятини ошишига олиб келади. Қуйида мисоллар берамиз:

March 6th, 2013

Dear Sirs,

We would like to inform you that Mr. Ahmedov is arriving in London on the 15th of March to begin talks with you.

Please, make the necessary hotel reservations for him and let us know the name of the hotel.

Thank you for your cooperation.

Yours faithfully,

Manager of the Joint Venture

Mr. Saliyev.

April 2nd, 2013

Dear Sirs,

We thank you for your first consignment of personal computers. We want to make a repeat order of computers in quantity. We express a 5% discount of prices as usual.

With deep respect,

Director of Computer Technologies Company

Mr. B. Jalilov

December 10th, 2012

Dear Sirs,

With reference to your enquiry of December 5 we confirm that we manufacture the sort of cotton fibre you are interested in. we would like to draw your attention to the fact our production is in great demand and the price is lower than the world market standards. We are ready to cooperate with you on barter terms.

Note: In return for our production we want wearing looms, clothes or furniture.

Conditions of sale and purchase (or exchange) can be the subject of future negotiations.

We are looking forward to hearing from you soon.

Yours sincerely,

Sales manager of Andizhan ginning house

Mr. A. Hodjayev

August 1st, 2013

Dear Sirs,

We learned from your Trade Mission that Uzbekistan is producing for export “Lacetti” Chevrolet cars of three types. In Britain there is a steady demand for high-class cars of the type “Lacetti”.

Please, send us your catalogues and inform us of your export price and terms of payment.

Yours faithfully,

Trade minister of Britain

Mr. R. Brown.

Smith and Sons

40 Main Street

Manchester

9th May, 2013

Mr. John Smith

29 Cranbourn Street

London

Dear Sir,

We beg to inform you that by order and for account of Mr. Julian of Leeds, we have taken the liberty of drawing upon you for £ 25 at three months’ date to the order of Mr. Sharp. We gladly take this opportunity of placing our services at your disposal, and shall be pleased of you frequently make use of them.

Respectfully yours,

Smith and Sons

by Jane Crawford. [10, 61-62]

2. БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИДА РАСМИЙ ВА НОРАСМИЙ УСЛУБЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ВА ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Стилистик бўёқдор тил элементлари хусусида

У ёки бу услубнинг стилистик бўёқдорлигига ёки бўёқдор эмаслиги ҳақида гап кетганда тил унсурларининг стилистик бўёқдорлиги назарда тутилади. Стилистик бўёқдорлик ҳақида гап кетганда, одатда унинг икки тури фаркланади: а) эмоционал-

экспрессив; б) функционал. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам тил бирликлари ифода этган денотатив мазмунга қўшимча жило бериб келади.

Эмоционал-экспрессив бўёқ адресат ёки нутқ предметиға нисбатан сўзловчи/ёзувчининг муносабати, қўшимча ахборотни беради (масалан, girlie, mom, daddy, a hovel).

Нутқ ифодалилиги ҳақида гап кетганда икки нарсанинг мавжудлигини ҳисобга олиш керак бўлади. Тил элементлари ифодалилиги ҳақида гап кетганда тилдаги нейтрал қўлланадиган унсурлар ҳам назардан қочирилмайди. Стилистик бўёқдорлик стилистик нейтрал тил унсурларига ижобий маънода қарама-қарши қўйилган ҳолда ўрганилиши лозим деб ўйлаймиз. Масалан, инглиз тилида тўсиқсиз эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларни ҳам шу жиҳатдан таснифлаш мумкин:

стилистик нейтрал

though

although

стилистик бўёқдор

even if

even though

as + инверсия

no matter how (where, when, who)

It didn't rain, though the sky was cloudy.

It didn't rain, even though the sky was cloudy.

Юқоридаги гапларнинг иккинчисида тўсиқсизлик маъноси кучлироқ ифода этилмоқда. Бунга even юкламасини though га қўшиш орқали эришилмоқда.

Инглиз тилида стилистик бўёқдорликка эга синтактик конструкциялар кўп. Бўёқдорлик конструкциясини ғайритабиий тартибда жойлашган гап бўлаклари орқали эришилади:

I have never seen such a film.

Never have I seen such a film.

Isn't she cute!

Fool that he was (13, 25)

Инглиз тили луғат бойлигини ташкил қилувчи сўзлар, шунингдек синтактик конструкциялар у ёки бу функционал стилга хослиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бошқа сўзлар билан айтганда, маълум нутқий вазиятларга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, тил бирликларини расмий ва норасмий услубларда бир хилда учрайдиган, маълум услубга хос бирликларга ажратамиз. Масалан, though, even if, even though, as + инверсия, no matter how (who) адабий услубга хос боғловчилар бўлса, although, despite the fact that, in spite of the fact that лар илмий услубга хослиги билан ажралиб турдилар.

Расмий услуб, расмий мулоқот ҳақида гап кетганда, унда китобий лексикани кўп учраши, у сленг, коллоквиализм кабиларни қўлланилмаслиги, I, me, mine, my кишилик олмошлари ўрнида one олмошини қўлланиши, гапларда мажхул нисбат, грамматик шаклларнинг қисқартма кўринишларини кўп учрашини кузатишимиз мумкин:

Жонли норасмий услуб (нутқ)да ифодали воситалар кўп учрайди, бунда нутқ индивидуал хусусиятга эга бўлиб, унда awfully, terribly, terrific, mannish, tallish, and things like that, and so on and so forth, oceans of, tons of, heaps of каби сўзлар кўп учрайди. Бундан ташқари норасмий нутқ (мулоқот)да содда грамматик гап қолипларига асосланган жумлалар кўп учрайди. Диалогик нутққа ўргатиш тил ўргатиш ва ўрганиш жараёнининг муҳим таркибий қисми эканлигини ҳисобга олиб норасмий услубга хос грамматик воқелик бўлган эллиптик (тўлиқсиз) гапларга батафсилроқ тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Диалогик нутқ – сўзлашув нутқи деганигина эмас. У расмий мулоқотлар (матбуот конференцияси, интервью, оғзаки сўров, мунозара, муҳокамалар) стилига ҳам хосдир. М. Д. Кузнец ва Ю. М. Скребковлар (1960,66) тўлиқсиз гаплар инглиз адабий тили нормаларидан четлашган конструкциялар деб ҳисоблашиб, диалогик нутқда фақат тўлиқ таркибли гапларни қўллашни тавсия этадилар.

Юқоридаги тилшунос олимлар фикрини унчалик тўғри эмас деб ўйлаймиз. Улар тил унсурларининг нутқий мулоқотнинг турли вазиятлари кесимида воқелашувига эътибор қаратмайдилар. Диалогик (полилогик) нутқлар қисқа, лўнда, ихчам ва тез кечади. Шу боис суҳбатдошлар нутқ вазиятида маълум бўлган тушунчаларни тилга олмайдилар. Улар нима ҳақида гап кетаётгани, нима (ким) назарда тутилаётганини жуда яхши биладилар. Лекин керак бўлса, нутқ вазияти тушиб қолаётган бўлакни қайта тиклаш имкониятини беради. Бизнингча, эллиптик гапларни функционал ва тил қонуниятлари нуқтаи назаридан ўрганиш лозим.

Функционал (вазифа) нуқтаи назаридан тўлиқсиз гаплар икки тоифага бўлинади:

- 1) ситуатив (вазиятли) тўлиқсиз гаплар;
- 2) парадигматик тўлиқсиз гаплар.

Биринчи гуруҳ тўлиқсиз гаплар матнда (диалогларда) синтагматик планда воқелашадилар. Тушиб қолган бўлақлар олдинги ва кейинги гаплар орқали (ёрдамида) тикланади. Кейинги гуруҳ тўлиқсиз гаплар ўзларига ўхшаш синтактик конструкциялар орқали қайта тикланади (тўлиқ шаклга келади). Масалан,

ситуатив тўлиқсиз гаплар:

A: Care for an ice-cream!

B: Soap h won't come.

A: This your coffee!

B: Two, please.

контекстуал тўликсиз гаплар

- I came back to England.
- Where from?
- New York.
- I brought you a parcel.
- From Pete?
- Now, are you sure you'll be right here?
- Perfectly all right.
- Jack what are you doing?
- Reading.
- Where is Bob?
- In there.

Сўзлашув мулоқоти коммуникатив бирликларни максимал даражада ихчамифодаланишига имкон беради:

Two, please (автобусда, билет кассаси, савдо дўконида)

Two, Charing Cross (автобусда)

One of these, please (савдо, харид пайтида)

Two, please ни мулоқот жараёнидан ажратиб, аниқ маъносини чиқариш қийин. Бевосита мулоқот жараёнида унинг маъноси реаллашади.

Дистант (телефон орқали) алоқада тўлиқ гап талаб этилади: "I would like to reserve two tickets for Flight 130 to London, please"

Инглиз тилида эллиптик структурали гапларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

1) Эгаси тушиб қолган тўликсиз гаплар:

Thought you wouldn't have time for all this

2) Эгаси ва кесими (ёки унинг қисми) тушиб қолган тўликсиз гап:

- Where did you go?
- Nowhere. (эга, кесим йўқ)
- Know anything about it? (эга ва кесимнинг бир қисми йўқ)
- Going to join us? (эга, кесим бир қисми йўқ)
- Who came?
- Karim. (кесим йўқ)

Бу ҳол сўроқ гапларда ҳам кузатилади:

- (Do you) remember?
- (Do you) understand?

Инглиз тилини ўқитиш жараёнида эллиптик гапларнинг диалогик мулоқотда, бевосита/жонли мулоқотда ва сўзлашув мулоқотида воқеланишувиغا оид билимларни ҳам ўқувчиларга сингдириб бориш керак экан. Бунинг энг яхши йўли турли ҳаётий вазиятларга мос, ўқувчилар даражасига қараб қисқа ва узун, осонроқ ёки қийинроқ бўлиш мумкин (кейинги бобда бунга батафсил тўхталамиз).

2.2. Мулоқот мантиқийлиги ва нутқ этикетларини танлаш

Мантиқ ҳар қандай мулоқотнинг, хоҳ у оғзаки бўлсин, хоҳ ёзма бўлсин, асосий шартларидан бири ҳисобланади. Хўш, нутқ мантиқийлиги дегани нима ўзи? Нутқ мантиқийлиги деганда биз фикр мантиқийлиги баробарида тил қонуниятларини матнни шакллантиришдаги иштирокини ҳам тушунамиз.

Маълумки, жумла таркибидаги мазмун, унинг структур бутунлиги орқали таъминланади. Матн таркибидаги гаплар ўзаро турли боғловчи воситалар, сигналлар орқали боғланиб келадилар ва бир бутун матннинг бир парчаси сифатида намоён бўладилар. Булар қаторига боғловчилар, субституция, референция, эллипсис ва бошқалар киради.

Референция деганда матндаги иш ҳаракат, хусусиятларни бошқа воситалар орқали номлаш киради. Буларга олмош, сон кабилар киради: There were three women. The first was ...; I have a dog. It is barking now.

Матн таркибида ўзидан аввалги гап(лар) билан гап боғловчилар, боғловчи бирикмалар ёки гаплар орқали боғланади. Фан тилида буни конъюнкция деб атаймиз: and, but, not only but, on the contrary, in such an event, I mean кабилар. Гаплараро мантиқий узв on the one hand, on the other hand, consequently, in addition кабилар орқали ифода этилади.

On the one hand you are right, on the other hand you are wrong.

Шунингдек, гаплараро мантиқий узвийликни таъминлашда матн таркибида артиклар (the)ни, маълум замон ва нисбат шакллари ҳам қўлланади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки матн ички давомлилиги, мантиқийлигини таъминлашда бир эмас, бир неча воситалар иштирок этадилар. Масалан: Romanticism was represented by such poets as W. Blake, Byron, Shelley, W. Scott on the one hand and the poets of the lake school on the other. The first group of romanticists carries the name of Revolutionary Romanticism and the latter

Passive Romanticism. They kept an eye all political events and sympathized with the national liberation movement (11, 23).

The Pardener's Tale

(by G. Chaucer)

Three rioters, three evil-doing men, were sitting in a tavern having a drink. And as they sat there they heard a hand-bell ring and saw a coffin being carried past them in the street. So one of them said to the tavern-boy, "Go and find out at once whose corpse is in that coffin"

У ёки бу фикрдан бошқасига ўтишда "кўприк" вазифасини ўтовчи бирликлар ҳақида билимларга эга бўлиш ҳам нутқни безайди, фикрлар узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлайди деб ўйлаймиз. Бу ҳол кўпинча монологик нутқда кузатилса-да, диалог (полилог)ларда ҳам суҳбатдошлар фикрлари ўртасида маълум боғлиқлик бўлиши зарур. Акс ҳолда, суҳбат қовушмайди, коммуникатив мақсадга путур етади. [5, 18]

Мантиқийлик сўз тартиби билан ҳам ифодаланади. Гап ичидаги сўз тартибини бузилиши асосан ёзма нутққа хос бўлиб (лекин оғзаки нутқда ҳам кузатилади), тема ва режа (янги маълумот) муносабати инглиз тилида куйидаги махсус конструкциялар орқали ифодаланади: There is/are; It was Olim who did it, a, an, the артиклар:

There is a sofa in the corner of the room.

A man wants to see you.

This is the house that Jack built. [27,123]

Мантиқ маданиятига эришишда ўқувчилар омоним ва кўп маъноли сўзлар ҳақидаги билимларга ҳам эга бўлишлари керак. Чунки айнан ўшалар мулоқот мантиқий давомийлигига путур етказдилар. Шунда тушунмовчиликлар келиб чиқади. Бу ҳазил ва хандаларда кузатилади.

Ten dollars

Two boys were arguing when the teacher entered the room. The teacher says, "Why are you arguing?" One boy answers, "We found a ten dollar bill and decided to give it to whoever tells the biggest lie." "You should be ashamed of yourselves", said the teacher. "When I was your age I didn't even know what a lie was." The boys gave the 10 dollar bill to the teacher.

May I!

Little Johnny: Teacher, can I go to the bathroom?

Teacher: Little Johnny, may I go to the bathroom?

Little Johnny: But I asked first!

Sir

Teacher (to a new boy): What is your name my little fellow?

New boy: Jimmy Brown.

Teacher: Always say “Sir” when you are speaking to a teacher. Now, what’s your name?

New boy: Sir Jimmy Brown.

“What do you mean by that?” said the Oscar. “Explain yourself”. “I cannot explain myself, I’m afraid, sir” said Alice, “because I’m not myself, you see”.

“When we were little,” the Mock Turtle went on at last. More calmly, though still sobbing a little now and then, “we went to school in the sea. The master was an old Turtle – we used to call him Tortoise - .” “Why did you call him Tortoise, if he wasn’t one?” Alice asked. “We called him Tortoise because he taught us.” said Mock Turtle angrily, “really you are very dull.”
(L. Carroll)

Инглиз тили ўқитишнинг юқори даражасида ўқувчиларга синоним сўзларни ҳам ўргатиш нутқ маданиятини ўсишига олиб келади, нутқни безайди, қизиқишини орттиради:

to jump – to leap

important – essential

to look – to stare

to tremble – to shiver

to think – to guess

Маълумки, нутқ этикети мулоқот вазиятидан келиб чиқиб маълум формулаларни қўллашни назарда тутди. Бундай формула (этикет)лар маълум ижтимоий гуруҳ томонидан қўлланадиган конструкциялардир. Масалан, ҳозирги замон инглиз тилида “Илтимос”ни ифодаловчи бир нечта этикет конструкциялар мавжуд бўлиб, улар нутқ шарт-шароити, мулоқот муҳитига кўра сўзловчи (суҳбатдош)лар томонидан қўлланадилар: Will (would) you ... please?; Please ...; Could you ...?; Would you kindly ...?; I would appreciate it if ...; I would be very grateful if ... [9, 6]

Нутқ этикетларини танлаш тамоили сифатида нутқ этикетлари минимумини аниқлаб олиш керак бўлади. Бунда, албатта, уларни нутқда кўп/оз учраши ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шунингдек, бу жараёнда вариантларнинг стилистик ифодалилик имкониятлари ҳам ҳисобга олинади. Масалан, лексик минимумлар тузишда стилистик бўёқдор синоним вариант ҳам сўз уясида берилади. Бир хил стилга оид синонимлар таркибидан танланади. Масалан:

One (impersonal pronoun) It is rather formal, meaning people in general, including you and me. You is its informal equivalent. E.g. One never knows what may happen. You never know what may happen.

Very (adj.) (is used to intensify adjectives and adverbs) – in a high degree, extremely; e.g. very difficult, very slowly. In formal English the following intensifiers are often used instead of very: terrible, terribly, awful, awfully (both with a negative and positive meaning): fantastic, great, etc. She is terribly kind to us. It's awfully interesting. [17, 144]

Грамматик минимумларни тузишда ҳам юқоридаги мезонларга асосланиш мақсадга мувофиқ. Мулоқот маданияти асосида нутқ машқларлари орқали таркиб топтирилади. Кейинги бобда аниқ нутқ вазиятлари муҳитида тил бирликлари воқелашуви масалалари тадқиқ этилади. шунинг баробарида мулоқот маданиятига ўргатишнинг осон ва тез йўллари, методлари хусусида гап боради.

3 БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТУРЛИ НУТҚ ВАЗИЯТЛАРИГА МОС НУТҚ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР ВА МАШҚЛАР ТИЗИМИ

Аввалги бобларда тилнинг функционал стиллари, уларга хос жиҳатлари ҳақида фикр юритдик. Маълум билим ва маълумотларга эга бўлдик.

Чет тиллари, хусусан инглиз тилини ўрганиш ва ўргатиш жараёнига Президентимиз И. А. Каримов қайта-қайта эътибор бермоқда. Чунки инглиз ва бошқа қатор чет тилларини билган мутахассис кадрлар мамлакат тараққиёти учун, унинг гуллаб-яшнаши учун муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда И. А. Каримовнинг 2012 йил 10-декабрдаги “Чет тилларини ўқитишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори айтилган. Қарорда тил ўрганувчи ёшларни эркин мулоқот қила оладиган, ўз фикрини тушунтира оладиган ва ўзганинг нутқини тушуна оладиган даражага олиб чиқиш бўйича беқиёс фикр-мулоҳазалар берилганки, уларни таълим жараёнига татбиқ этиш шу куннинг муҳим ва долзарб масаласи ҳисобланади.

Куйида биз томонимиздан тавсия этиладиган нутқий малакаларни шакллантириш, турли нутқ вазиятларига тайёргарлик ҳолатини автоматлаштириш, у ёки бу вазиятга мос тил бирликларини тўғри танлаш ва нутқда фаол қўллашга йўналтирилган методика узлуксиз таълимнинг турли босқичларида қўллашга мўлжалланган бўлиб, уларда нутқий вазиятлар, уларга хос бирликларни қўллаш қоидалари, тил ва нутқ машқлари (диалоглар) ўз аксини топган. Услубий ишланмада ҳам расмий, ҳам норасмий мулоқот кўникмаларини шакллантириш назарда тутилган.

1. Forms of Address

When addressing people in English we usually call our friends by their first name, for example, *John* or *Mary*. If we are speaking to someone whom we know less well we use **Mr./Mrs./Miss** followed by the surname, for example:

Mr. ['mistə] Brown — to a man;

Mrs. ['misiz] Brown— to a married woman;

Miss Brown — to a girl or unmarried woman.

Note: Ms. [miz, məz\ with the surname (eg. Ms. Smith) is increasingly used in writing about a woman when it is not known (or not important) whether she is married or not. However, as a form of address it is comparatively rare, being mainly restricted to those women who are known to dislike the traditional forms *Mrs.* and *Miss.*

Mister, Missus and *Miss* alone (without the surname) are sometimes used but are **not polite**, although *Miss* is generally accepted as a form of address to a woman-teacher by primary-school children.

Other forms of address are:

Sir – used to a man who is clearly older and/or more senior than oneself.

Sir is also used:

1. by shop assistants, waiters, etc to their male customers;
2. by schoolchildren to men-teachers;
3. as a polite form of address to a stranger, even if not older or more senior. However, this is not common nowadays in Britain, where the usual way of addressing a stranger (either a man or a woman) is *Excuse me, please*. In America *sir* is more common in this situation;
4. in the armed forces, to an (superior) officer;
5. as a title (for knights and baronets), followed by the first name, for example. *Sir William*.

Madam – used by shop assistants, waiters, etc to their female customers. Except for this type of situation, however, *madam* is less widely used than *sir*. It is *not* used when addressing women-teachers (here *Mrs./Miss* with the surname is used), nor when addressing an older or more senior woman. It is only rarely used to address a stranger, "Excuse me, please" being the usual form.

Doctor — used alone only to medical practitioners. When addressing a person with the degree of Doctor of Philosophy or Doctor of Science, for example, the surname is always included, for example. *Dr. Brown*.

Professor — used either with or without the surname, depending on how formal or informal one wishes to be. (Simply *Professor* is more formal.)

General/Colonel/Captain, etc — also used either with or without the surname.

Ladies and Gentlemen — to an audience;

Mr./Madam Chairman — to the chairman of a meeting.

Waiter/Waitress/Porter/Nurse, etc — to people in certain occupations. However, this usage is now becoming rare, at least as regards *Waiter/Waitress* and *Porter*. Instead people simply try to catch the waiter's eye, for example, or say *Excuse me, (please)*.

Officer — to a policeman. If one knows his rank, one may also address him as, for example. *Constable*, or *Inspector*. In practice, however, most people approaching a policeman for information or help use *Excuse me, (please)*, without any form of address.

Note: Commercial and administrative titles such as *director* and *manager* are never used as forms of address.

Less Common Forms of Address

Your Majesty — to a king or queen

Your Highness — to a prince or duke

Your Lordship — to a lord (peer) or a High Court judge

Your Honour — to a magistrate (Justice of the Peace)

Forms of Address within the Family

Small children address their parents as **Mummy** and **Daddy**. When they are older (about 10-11) they often change to **Mum** and **Dad**. As adults they usually continue to use these forms, although some people (mainly members of the upper and middle classes) use the formal **Mother** and **Father**.

Grandparents are usually addressed as **Granny** (sometimes **Gran** or **Nanny**) and **Grandad**. **Grandmother** and **Grandfather** are used by some adults (those who use *Mother* and *Father* — see above).

Aunts and uncles are addressed as **Auntie** and **Uncle** usually with the first name, for example, *Auntie Mary*, *Uncle Richard*. **Aunt** is often used instead of *Auntie* by older children and adults, particularly in formal situations.

Exercises

Exercise 1. Choose the best answer.

1. When you address a middle-aged man whose name you do not know, you say:
a. *Mister*; b. *Sir*; c. *Excuse me, please*.
2. If it is a woman, you say:
a. *Madam*; b. *Lady*; c. *Missus*; d. *Excuse me, please*.
3. If you want to address an American tourist (Mrs. Jane Hardy) whom you have known for a few days, you say:
a. *Madam*; b. *Mrs. Hardy*; c. *Jane*.
4. If you want to address an eminent British scientist (Doctor John Lonsdale), aged 50, you say:
a. *Mr. Lonsdale*; b. *Dr. Lonsdale*; c. *Doctor*; d. *John*.
5. If you want to address a visiting English teacher called Helen Parker, aged 25-30 (unmarried), you call her:
a. *Helen*; b. *Miss Helen*; c. *Miss Parker*; d. *Miss*.

Exercise 2. How would you address the following people?

1. a girl of eighteen, not married (Judy Brown);

2. a married woman with two children, aged 35 (Elsie Smith);
3. a stranger of 25/75;
4. a university professor (David Clark);
5. your English teacher;
6. a doctor who is examining you (Stephen Powell);
7. a man with a PhD (Richard Haze);
8. your father;
9. your uncle (John Brighton);
10. a friend of your own age (Peter Bennett);
11. Peter Bennett's father/mother;
12. the director of the company you work for (Alan Nott);
13. an older colleague (David Chambers);
14. an English audience;
15. an elderly woman in the street who seems to have lost her way. (You want to help her.)

Exercise 3. Insert a suitable form of address in the blank spaces.

1. "I hope it's nothing serious,..." (to your doctor, Jack Wilson)
2. "... , how nice to see you again after such a long time." (to your friend, Jane Walsh)
3. "Yes, I'll try not to forget about it." (to a fellow-student, Martin Blackwood)
4. "... I wonder if you could find time to read my paper." (to a university professor, John Bridges)
5. "... could you tell me the way to the nearest post office?" (to an elderly man in the street)
6. "... I have great pleasure in introducing Professor James, from the University of London." (to an audience)

Exercise 4. Insert a suitable form of address for each case.

"Thank you..., I think I can manage by mys,elf."

1. to your father;
2. to your friend Michael Black;
3. to a colleague whom you know only slightly;
4. to your teacher;
5. to your friend's father (William Grainger).

"Yes, she is waiting for you."

1. to Peter Miller, aged 35 (you do not know him well);
2. to the family doctor, Alan Price;
3. to your sister Helen;

4. to Mrs. Alice Blackboot, a neighbour, aged 82;
5. to Norman Long, director of your firm.

2. Attracting Attention

The most common way of attracting attention is **Excuse me, (please) _____**. This is used in a wide variety of situations, for example:

1. when addressing a stranger in the street or other public place; *eg* Excuse me, please. Could you tell me the way to the station?
2. in shops, restaurants, etc, to attract the attention of an assistant, waiter, etc;
eg Excuse me, please. How much is this sweater?
3. at a lesson or meeting, to attract the attention of the teacher or speaker;
eg Excuse me. May I ask a question?
4. at work, when someone is busy and you have to interrupt him;
eg Excuse me, Mr. Walker. Mr. Davis is asking for you on the telephone.

Other expressions used to attract attention in certain situations are:

May/Can I have your attention, please? — used to attract the attention of a group of people who are talking among themselves, for example, a group of tourists or delegates to a conference, in order to make an announcement, etc.

Attention, please.— used to introduce official announcements, for example, at airports and in other public places, especially over a loudspeaker.

I say.— sometimes used in conversation to draw particular attention to the sentence which follows. Addressed more often to groups of people than to individuals.
eg I say. Have you seen this notice? It says the correct has been cancelled.

Look here! — used to attract someone's attention to something of which you disapprove. Often indignant.

eg Look here! You can't leave your luggage in the corridor.

Just a minute.— used to someone who is going away before you think he should (you still have something to say to him) or to stop someone in the middle of what he is saying in order to voice an objection.

eg Just a minute! You haven't given me your address.

Hey! — used either to express indignation or to warn someone quickly of some danger (for example, an approaching car). If used simply to attract attention it is rude, or at least familiar.

eg a. Hey! There's a car coming.

b. Hey! Those seats are reserved.

Look/watch out! — to warn someone of danger.

eg Look out! There's a hole in the pavement.

Mind ...! — meaning "be careful (of)"

eg a. Mind the step! = Be careful not to fall down it.

b. Mind your head! = Be careful not to bump your head,
for example, on a low ceiling.

Exercises

Exercise 1. Make the following questions into polite requests for information addressed to a stranger, introduced by *Excuse me. (please)*.

Model: How do I get to the post office?

Excuse me, please. Could you tell me how to get to the post office?

or: Excuse me. Could you tell me how..., please?

1. How do I get to the British Museum?
2. Where is the nearest chemist?
3. What time is it?
4. Does this bus go to the centre?
5. Is there a greengrocer's near here?
6. How can I get to Oxford Street?
7. What time does this train leave?
8. Where is the nearest cafe?
9. Does Mr. Bailey live here?
10. Is this seat free?

Exercise 2. What would you say if:

1. you want to ask the receptionist at your hotel a question but she is talking to someone else?
2. you see a woman about to step in front of a car?
3. you want to ask a shop assistant if you can try a dress on?
4. a man who has asked to look at your newspaper walks off with it?
5. you want to ask a question at a meeting?
6. you have an interesting piece of news to tell your fellow-students?
7. you have to tell a group of tourists that the time of an excursion has been changed?
8. you want to ask a fellow-passenger when the train arrives in Moscow?
9. you see a tall man walking towards a low doorway?
10. you want the waiter to bring the bill?

3. Introductions and Conversation Openings

A person performing an introduction in a formal situation says, for example:

Mrs. Johnson, **may I introduce** Mr. Bentley? Mr. Bentley — Mrs. Johnson.

Less formal alternatives to *May I introduce...?* are (in order of decreasing formality):

Let me introduce...

I'd like you to meet...

This is...

Meet... — mainly American

It is not always necessary to repeat the names as in the example given at the beginning. In informal situations this is never done.

The two people who have been introduced both say:

How do you do? — in formal and semi-formal situations;

Hallo – in informal and semi-formal situations.

Pleased/Glad to meet you is fairly common in America but is generally avoided in Britain by educated people.

In formal situations English people sometimes shake hands when introduced, but do not bow.

Two phrases often used before introducing someone are:

Have you met...?

eg Have you met my sister? I don't think you've met...

eg I don't think you've met my sister.

If you have to introduce yourself, you may say, for example:

May I introduce myself? My name's Victor Petrov. I'm your guide.

This is formal style. Less formal is **Let me introduce myself**. Note that Mr./Mrs./Miss should not be used when introducing oneself (but only when addressing other people, or speaking about them). Either the first name and surname are used together, as in the above example, or, in informal situations, simply the first name.

eg My name's Victor, *or*: I'm Victor.

This implies that you expect to be addressed by your first name.

